



Нарх статистикаси бўлими тўғрисида

Н И З О М

I. Умумий қоидалар

1. Нарх статистикаси бўлими (кейинги ўринларда – Бўлим деб юритилади), Жиззах вилоят статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда – Бошқарма деб юритилади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва нарх статистикаси бўйича Бошқарма ишларини ташкил этилишини ҳамда амалга оширилишини таъминлайди.

2. Бўлим фаолияти ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методологияга, халқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, “Жиззах вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

4. Бўлим ўз фаолиятини Бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Бошқарманинг тармоқ бўлимлари, бошқа таркибий бўлимлар ва ҳудудий статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) нарх статистикаси бўйича ахборотларни шакллантириш ва таҳлил этиш соҳасида:

нарх статистикаси бўйича ахборотларни Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурида белгиланган ишлар ва муддатларда йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва чоп этиш;

нарх статистикаси ахборотларини шакллантириш масалалари бўйича ҳудудий статистика бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

б) нарх статистикаси соҳасида илмий асосланган методологияни жорий этиш соҳасида:

нарх статистикаси ахборотларини шакллантириш бўйича қабул қилинган услубий ҳужжатларни амалиётда қўлланилишини таъминлаш;

худудий статистика органлари томонидан, нарх статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологияси асосида ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш;

в) замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида:

нарх статистикаси ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилиш ишларини ташкил этиш, бу йўналишда худудий статистика органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, нарх статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритиш.

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига мувофиқ, нарх статистикаси бўйича статистик кузатувлар ўтказиш, умумлаштириш, таҳлил этиш, сақлаш ва статистик маълумотларни нашрга тайёрлаш ишларини ташкил этади;

нарх статистикаси бўйича худудий органлар фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш, улар томонидан тақдим этилган ахборотларни таҳлил қилиш ишларини олиб боради;

худудий статистика бўлимларига амалий ёрдам кўрсатади;

Бўлим нарх соҳаси жараёнларини тавсифловчи статистик маълумотларни тайёрлайди;

нарх статистикасига оид статистик маълумотларни шакллантириш, сақлаш ва тарқатишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлайди;

белгиланган тартибда Бўлимга юклатилган бошқа функцияларни амалга оширади.

III. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

юридик ва жисмоний шахслардан ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлардан белгиланган шаклларда ва муддатларда статистик маълумотларни сўраш ва олиш;

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг таркиби ва мазмунига оид таклифлар киритиш;

нарх статистикасига оид ҳисоботлар шакллари, танлама кузатув сўровномаларини, уларни тўлдириш бўйича тушунтиришларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Бўлим ваколатларига кирадиган масалаларни кенгашда муҳокама қилиш учун маълумотлар тайёрлаш;

Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича ишлар ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

9. Бўлим:

ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, фармойишлари, Бошқарма раҳбарияти топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, ҳисобот ва ижро интизомини таъминланиши учун;

Бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат, тижорат сирларига риоя қилиниши ва сақланишини таъминлаш учун жавобгардир.

IV. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

10. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни, Давлат статистика қўмитаси буйруқлари ва қарорлари, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, ушбу Низом, шунингдек Бошқарма буйруқлари ва қарорлари ҳамда I ва II ярим йиллиги учун иш режалари, Бўлим ходимларнинг лавозим вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлим ходимларининг лавозим вазифалари Бошқарма бошлиғи билан келишилади ва тасдиқланади.

Юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича Бўлим фаолияти самарадорлигининг доимий мониторинги, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг ва раҳбарият топшириқлари электрон ҳужжат айланиш тизимида ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, шунингдек Бўлим томонидан бажарилган режадаги ва режадан ташқари ишлар тўғрисида бўлимнинг ойлик ҳисоботини тузиш орқали ташкил этилади.

11. Бўлимга Бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимидан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Бўлим бошлиғи:

Бўлим ходимлари томонидан юклатилган вазифалар, мажбуриятларни зарур даражада бажарилишини таъминлайди, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун жавоб беради;

Бўлим ишининг самарадорлигини ошириш ва уни кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бошқарма бошлиғи билан биргаликда Бўлим фаолиятини такомиллаштириш, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

ходимлар томонидан Бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат ва тижорат сирларига риоя қилинишини ва сақланишини таъминлайди.

Бўлим бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

ходимларни бошқа лавозимларга кўрсатиш, ўтказиш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазолаш чорасини қўллаш тўғрисида Бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;

Бўлим ходимларининг лавозим маошларига шахсий устамалар белгилаш, шунингдек аввалги ўрнатилган устамаларни камайтириш ёки бекор қилиш бўйича Бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;

Бўлим ишини ташкил этишни, усули ва услубини яхшилаш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.